Минерал ресурслар институти
2026-йил 2-ноябрдаги
1/13-сон буйруғига
2-ИЛОВА

“Минерал ресурслар институти” ДМ нинг
Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида
НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом “Минерал ресурслар институти” ДМ нинг (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) Одоб-ахлоқ Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом Одоб-ахлоқ комиссиясининг (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

1.3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунига ва соҳага оид бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Институтнинг Одоб-ахлоқ кодексига ва ушбу Низом қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

1.4. Комиссия фаолиятининг асосий вазифалари:

- Институт ходимларининг амалдаги қонунчиликка, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;
- Институт ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;
- Институт ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;
- Институт ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- мураккаб ахлоқий вазиятларни ҳал қилишда ходимларга маслаҳат ёрдами кўрсатиш;
- касбий этика нормаларига мувофиқ низоли вазиятларнинг олдини олиш;
- интизомий чораларни қўлламасидан юзага келган ахлоқий муаммони ҳал қилиш имкониятини аниқлаштириш мақсадида ходимлар томонидан ахлоқ нормалари бузилишининг дастлабки ўрганишларни ўтказиш;
- Институт ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида давлат органи ва ташкилоти раҳбари ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш;
- Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

1.5. Одоб-ахлоқ комиссиясининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Институт ходими томонидан ушбу Кодекс талабларига риоя этилиши устидан назорат одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси:

Институт ходими томонидан ушбу Кодексда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш чораларини кўради;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан кўрилаётган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳоллар устидан коллегиал назоратни амалга оширади;

- қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил етишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

- кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтайи назарини баён этишга ҳақли.

Комиссияси аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

2.7. Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

2.8. Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

2.9. Агар кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқишда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай комиссия аъзосининг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мавжуд бўлса, комиссия аъзоси буни йиғилиш олдидан эълон қилиши шарт. Бундай ҳолда, у ушбу масалани кўриб чиқишда қатнашмайди.

2.10. Агар кун тартибига киритилган масала бўйича биронта комиссия аъзосининг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу аъзо буни йиғилиш олдидан эълон қилиши шарт. Бундай ҳолда, у ушбу масалани кўриб чиқишда қатнашмайди.

2.11. Зарур ҳолларда, Комиссия овоз бериш ҳуқуқисиз бошқа мутахассисларни мустақил эксперт сифатида жалб қилиш ҳуқуқига эга.

2.12. Комиссия аъзолари ва унинг мажлисларида иштирок этувчи шахсларига комиссия иши давомида ўзларига маълум бўлган махфий маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади. Фаолият давомида олинган маълумотлардан фақат ахборот, ахборот технологиялари ва ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда назарда тутилган тартибда фойдаланиш мумкин.

2.13. Комиссия мажлислари эҳтиёждан келиб чиққан ҳолларда ўтказилади. Йиғилиш учун кворум Комиссия аъзоларининг 3/2 қисми иштирок этади. Қарорлар кўпчиликнинг овози билан очиқ овоз бериш йўли орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

3. Комиссиянинг иш тартиби

3.1. Йиғилиш ўтказиш учун асос бу ходимнинг касбий одоб-ахлоқ нормаларини бузганлиги тўғрисида маълумотни ўз ичига олган Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ёки бирор ходим томонидан Одоб-ахлоқ комиссияга ёзма мурожаати ҳисобланади.

3.2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ходимдаги мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида вазирликка келиб тушган ҳар бир мурожаати ёки хабари қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда текширилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан текшириш давомида аниқланган манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги билан боғлиқ ҳоллар тўғрисидаги маълумотлар Ички назорат бўлими тақдим этганидан кейин ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси Директорга манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича чораларни кўриш ёхуд ходимни тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади.

3.3. Комиссия жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни, ҳисоботларни, шунингдек, аноним мурожаатларни кўриб чиқмайди, меҳнат интизомини бузганлик тўғрисида текширув ўтказмайди.

3.4. Комиссия ходимнинг касбий етика меъёрларини бузганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган аризани ўз вақтида, холисона ва адолатли кўриб чиқишни.

4. Комиссия қарорларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

4.1. Комиссия қарорлари унинг раиси ва котиби томонидан имзоланган баённомалар билан расмийлаштирилади. Комиссия қарорлари Директор учун тавсиявий характерга эга.

4.2. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён этишга ҳақли, бу баённомага мажбурий илова қилиниши керак ва қарор қабул қилинганлиги билан ходим танишиши керак.

4.3. Йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида баённоманинг нусхалари Директорга ва масаласи кўриб чиқилган ходимга топширилади. Агар комиссия йиғилишида бир нечта масалалар кўриб чиқилган бўлса, ходимга баённомадан кўчирма юборилади. Комиссия қарори билан баённома нусхаси (баёндан кўчирмалар) бошқа манфаатдор шахсларга топширилади.

4.4. Директор баён олинган кундан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқилаётган масаланинг моҳияти бўйича кўрган чоралари тўғрисида комиссияни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Директорнинг қарори Комиссиянинг навбатдаги йиғилишида эълон қилинади.

4.5. Комиссия йиғилиши баённомасининг нусхаси ёки ундан кўчирма касб одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш масаласи кўриб чиқилган ходимнинг шахсий ҳужжатларига илова қилинади.

5. Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

5.1. Комиссия Институтнинг Инсон ресурслар бошқарув бўлими билан биргаликда мунтазам равишда давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

Институт хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

Институт хизматчилари "ҳалоллик ваксинаси" билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда булиш кайфиятини шакллантириш;

Институтда таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;

Институтда ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

Институт хизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини. ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган Институт хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;

Институт хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар. конференсиялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

5.2. Комиссия Институт хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.

5.3. Институт хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан давлат органи ва